

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Универсиада – 2013

## МАШЪАЛА БУХОРОГА ЙЎЛ ОЛДИ

Мамлакатимиз ёшларини маънан етук, жисмонан соғлом қилиб улғайтириш мақсадида ҳар йили 3 босқичда ўтказиладиган аънавий "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" спорт уйинлари аҳамияти бекиёс.

Аънава мувофиқ кеча вилоятимизнинг Паркент туманидаги "Физика-Кўёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида "Универсиада – 2013" машъаласини ўт олдириш маросими бўлиб ўтди. Қатор вазирлик, кўмита ва идоралар ҳамкорлигида ўтказилган маъмур тадбирда ташкилотчи раҳбарлар, талаба ва спортчи ёшлар ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этишди.

тарзини тарғиб қилиш мақсадида ўтказиладиган бу йилги баҳсларда 12 спорт тури бўйича 49 йигит-қиз вилоятимиз шарафини ҳимоя қилади. Улар шу муносабат билан "Универсиада – 2013" спорт мусобақаларига мезбонлик қилаётган қадимий ва навқирон шаҳар – Бухорога жўнаб кетишди.

**Бекзод ҲИДОЯТОВ,**  
**Даврон АХМЕДОВ**  
(сурат),  
"Тошкент ҳақиқати" мухбирлари.



Пилла – 2013

## ҲАМ МЎЛ, ҲАМ СИФАТЛИ

Шу кунларда вилоятнинг қишлоқ туманлари пиллаҳоналарида бу йилги "кумуш тола" ҳосилни қабул қилиш қизғин паллага кирди. Ипак қурти парваришини ҳар томонлама пухта ташкил этган олди туманлар контрактация шартномаларини муддатидан илгари бажармоқда.

Бўка ҳамда Чиноз туманлари фермер хўжаликлари қабул пунктлари билан тузилган шартнома мажбуриятларини вилоятда биринчи бўлиб бажарди. Бўкалик пиллакорлар 3500 қути қурт уруғи парваришлаб, кечаги кунгача 200,2 тонна пилла топшириб, шартномани муддатидан илгари ортиги билан уддаладилар. Ўртача ҳосилдорлик режадаги 55 килограмм ўрнига 57,2 килограммданга тўғри келди. "Холмурод Ашур", "Шодмон" фермер хўжаликларида ўртача ҳосилдорлик 68-72 килограммга етди.



Туманда пилла терими давом этмоқда. Фермер хўжаликлари қолган ҳосил чўғини чамалаб кўриб, қабул пунктларига яна 5,5-6 тонна ҳосил топширишни режалаштирди. Чинозлик пиллакорлар бу йил 2400 қути ипак қуртини агротехник қоидалар асосида парваришлаб, мўл

Уз мухбиримиз.

Фалла – 2013

## ЎРИМ-ЙИГИМ МАВСУМИДА МУАММОЛАР БЎЛМАЙДИ

Бу йилги фалла ўрим-йигимини оқилона ташкил этиш юзасидан вилоят туманларида семинарлар бўлиб ўтмоқда.

Бекобод туманида ташкил этилган шундай йиғилишда вилоят ҳокимлиги масъул ходимлари, бошқарма бошлиқлари, туманда тузилган 17 та

ўрим-йигим отрядлари шахсий таркиби, фермер хўжаликлари раҳбарлари, шунингдек, соҳага хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилот раҳбарлари

иштирок этдилар. Вилоят ҳокими Аҳмаджон Усмонов бошқарган семинар-йиғилишда галла ўрим-йигимини отряд тизимида ташкил этиш, мавсумни уюшқоқлик билан бошлаб, 15-20 иш кунини ниҳоясига етказиш, давлат шартнома режаларининг

сўзсиз бажарилишини таъминлаш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Айниқса, отряд раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари ва ҳар бир отряд аъзосининг вазифалари атрофида тушунтирилди. Комбайнларни икки сменада ишлатиш, янчилган дон ҳосилни пешма-пеш тайёрлов корхоналарига етказиб бериш, ўриш ва ташиш жараёнида нобудгарчиликка йўл қўймаслик, мавсум давомида қонунбузилиш ҳолатларини олдини олиш, отряд аъзолари га етарли иш шариотлари яратиш, уларнинг соғлигини мунтазам назорат этиш, комбайнчиларнинг иш ҳақларини ҳар беш кунда бериб бориш юзасидан услубий тавсиялар, мутасадди бўлим ва бошқармаларга тегишли топшириқлар берилди.

Йиғилиш якунида ўтган йилги ўрим-йигим мавсумида фаоллик кўрсатган комбайнчи, ҳайдовчи, ички ишлар ва соғлиқни сақлаш ходимларига эсдалик совгалари топширилди.

**Каримкул МАВЛОНОВ,**  
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.



Даврон АХМАД олган сурат.

## ЯКУНИЙ ДАВРА СУҲБАТИ

қизиқарли ва фойдали савол-жавобларга бой бўлди

Ўзбекистон Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси вилоят хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этган "Маҳаллий масалаларни ҳал этишда ёшлар иштироки" лойиҳаси бўйича якуний давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ушбу лойиҳа бўйича семинар-тренинг машғулоти ўтказиш учун ҳар бир вилоятдан битта туман ва битта шаҳар танлаб олинди, – дейди Ассоциация раиси Инқилоб Юсупова. – Бўка тумани ва Олмалик шаҳрининг 13 ёшдан 18 ёшгача бўлган 150 нафар ёшлари семинар машғулотида иштирок этдилар. Бугунги якуний давра суҳбатида ёшларнинг 50 нафари уч ой давомида олган билмларини синовдан ўтказмоқдалар.

Давра суҳбатида "Болаларнинг соғлом яшаш ҳуқуқи", "Имконияти чекланган болалар ҳуқуқлари" ва "Оилада болалар ҳуқуқи" мавзулари юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Халқаро "Болалар ҳуқуқлари Конвенцияси" ва Ўзбекистон Республикасининг "Болалар ҳуқуқлари кафолатлари

тўғрисида"ги Қонунининг жойларда амал қилиши, муаммоларни ҳал этишда ёшларнинг бевоқиф иштироки юзасидан қизиқари савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Семинар-тренингнинг асосий мақсади болалар ҳуқуқларини таъминлаш юзасидан ҳал этилиши лозим бўлган масалаларни болалар иштирокида аниқлаш, улар ҳамкорлигини рағбатлантириш ва салоҳиятини оширишдан иборат, – дейди Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси вилоят бўлими раҳбари Барно Жабборовна. – Уч ой давом этган семинарлар ва бугунги якуний давра суҳбатида шу мақсадга эришилди, деб ўйлайми.

Давра суҳбати якунида фаол иштирокчиларга Ассоциация томонидан сертификатлар топширилди. Халқаро болалар кунига бағишланган "Бахтиёр болалик" номли бадиий дастур намойиш этилди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файзиёва иштирок этди.

**Каримкул БОБОҚУЛ**  
ўғли.

Тарғибот лойиҳаси

## ЁШЛАР ТАДБИРКОРЛИККА ЖАЛБ ЭТИЛМОҚДА

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши қошидаги "Ёш тадбиркорлар" маслаҳат маркази ташаббуси билан шаҳар ва туман ёшлари ўртасида тарғибот лойиҳаси ўтказилмоқда.

Ушбу лойиҳани амалга ошириш жараёнида ёшлар ўртасида улар ҳозир нималар билан бандлиги, тадбиркорлик лойиҳаларида иштирок этиш истаги, шахсий бизнесини йўлга қўйишда қандай кўмак зарурлиги, бу йўлда қандай муаммоларга дуч келаётгани сингари саволлардан тузилган сўровнома ўтказилди. Сўров натижаларига кўра, кенгашининг мажбурият режаси ишлаб чиқилди. Унда ҳар бир туман ва шаҳарнинг ижтимоий ҳолати ва имкониятлари эътиборга олинди. Бу лойиҳанинг самарали амалга оширилишини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Семинар-тренинглар давомида иштирокчилар ўз

ғояларини бизнес-режа кўринишида ишлаб чиқишлари учун ўқув ва амалий машғулотлар ташкил этилди. Ҳали иштирокчиларнинг ишларини тижорат банклари кредити билан молиялаштиришга тавсия этилмоқда. Ҳозиргача "Менинг бизнес ғоям" лойиҳасида маҳаллий ёшлар фаол иштирок этиб, уларнинг энг яхши натижага эришган 11 нафарига танловнинг республика босқичига йўланма берилди, 5 нафар касб-хунар коллежи битирувчисига тижорат кредитининг 28 миллион сўмдан зиёд микрокредитлари ажратилган бўлди.

**Юлдузxon**  
**МУҲИДДИНОВА.**

Миллий ҳунармандчилик

## ЎЗЛИГИНИ ТОПГАН ЭЛ

"Эй фарзанд, агар оқил ва доно бўлай десанг, ҳунармандчиликни одат қил. Ҳунармандчилик сабабдан бебаҳра бўлсанг, қуруқ соясиз дарахтга ўхшаб қолсан. Меҳнатдан, илму ҳунар ўрганишдан узоқлашма" дейилади Ҳадису шарифда.

Инсон учун энг улкан безак, унинг меҳнати эканлиги айни ҳақиқат. Меҳнат туйғайли инсон жамиятда ўз ўрнини, мавқеини топади. Ҳунармандчилик кишидан ҳам меҳнат, ҳам қобилият талаб этади.

Ангренлик Фаррух Сулаймоновнинг миллий ҳунармандчилик туйғайли ризқ-насибаси бутун. Болалигида акаси Абдуллоҳнинг устaxonага кириб оқиб, оддий тунуқлардан гул ва рўзғороб буюмлар яшашларини кўриб, завқланарди. Аста-секин андоза олиб, иш ўрганган Фаррух энди чамалаб, бемалол асбоб-анжомлар ясади. Бугун тунуқдан ишланган тарнов, ҳаво тозалогич, пешайвонларга соябонларга буюртмалар бисёр.

– Ҳунарманд аҳолининг кундалик эҳтиёжидан буюмлар тайёрлаб, қорига ярайди, – дейди Фаррух. – Гарчи бугун қишлоқлар

ҳам тўла газлаштирилаётган бўлса-да, қиш-қировли кунларда қўлбола печларга ҳам эҳтиёж сезилади. Чойхона-ошоналардан буюртмалар тушади, уларга дудборонлар ясаб берилди. Устaxonадаги ортинчи рекламага муҳтож эмас, шахримиздаги "Деҳқон бозори" ҳудудидан ишлайми. Буюртмачилар бир-бирларини бошлаб келаверишди.

Фаррухнинг Ангрен шаҳридаги "Ҳунарманд" уюшмасига аъзо бўлганига беш йилдан ошди. Унинг ёнида энди шогирдлари бор. Улар орасида майда иш экан, асаби чидамаяпти, деб ташлаб кетадиганлари ҳам, кунт билан иш ўрганиб, ўзи янгилик яратадиган изланувчанлари ҳам талайгина. Машаққатларга чидаган ёшлар ҳунармандчиликда ўз йўлларини топиб кетишди.

(Давоми 2-бетда).

## БУ – ТАНҚИДГА ЖАВОБМИ...

ёки "қўлдан кетгунча" қабилда масъулиятни зиммадан соқит қилишимиз?

Шу йил май ойдан тахририят фойдаланилган электр қуввати ҳамда табиий газ ҳақини вақтида тўламай, катта миқдорда қарз бўлиб қолаётган раҳбар ходимлари бўйича "Бўстонлик тумангаз", ва "Электртаъминоти" корхоналарига мурожаат қилиниб, рўйхатлари олинди.

Ушбу корхоналар инспекторлари мақолада номлари қайд этилган раҳбарларнинг хондонларига таширф буюриб, ҳисоблагичларни текширирдилар. Газетада келтирилган айрим фактлар нотўғри талқин этилганлиги маълум бўлди.

Бу борадаги маълумотлар илова қилинади.

**Туман ҳокими**  
**И. Ҳакимбоев**

МАЪЛУМОТНОМА

(редакцияга)  
"Бўстонлик тумангаз" филиали Сизга қуйидагиларни маълум қилади:

1. Микрокредитбанк раҳбари – Эгамбердиев – Тошкент шаҳри Юнусобод тумани

2. Халқ банк – Турдубаев Гайрат – Тошкент вилояти Бекобод тумани

3. Тасиббаев Ш – Бўстонлик тумани Кушқурган қишлоғи – 01.05.2013 йил ҳолатига табиий газдан қарздорлиги йўқ.

4. КХТ коллежи – М. Ниязобоева – 01.05.2013 йил ҳолатига табиий газдан қарздорлиги йўқ.

5. "Педагогика" ва "Агроинтисидиёт" коллежлари Бўстонлик туманига қарашли эмас.

**Филиал раҳбари**  
**А. А. Райимов.**

МАЪЛУМОТНОМА

Бўстонлик тумани электр таъминоти корхонаси шуни маълум қиладики, Эрали Шермат Ф/Х раиси Тасиббаевнинг а.б.№ 1410004 далолатнома бўйича 1613664 сум қарздорлиги бартар раф этилмаган.

Юлдашбаев М. а.б.№ 1800066 электр энергиядан мавжуд қарздорлигини 07.05.2013 йилда тулик тулади.

**Бўстонлик ТЭТК бошлиғи**  
**Г. А. Шодиев**

Авалло, туман ҳокимининг жавоб хати ва унга илова қилинган маълумотномалар нафақат ўзбек тили имлоси қонун-қоидалари, балки Ўзбекистон Республикаси Давлат тили талабларини кўпол тарзда бузиб ёзилганини таъкидлаш жоиз. Қолаверса, газета тахририятга бундай тумтароқ матнли жавоб мактублари йўллаш оммавий ахборот воситаларига нисбатан ҳурматсизлик ва беписанд муносабатни англатади.

Бирок, биз айтмоқчи бўлган асосий гап бу эмас. Тахририятга жавоб хати ёзишдан аввал, танқидий мақола атрофида ўқиб, уқилса мақсадга мувофиқ бўларди. Хусусан, Бўстонлик тумани ҳокими И. Ҳакимбоев жавоб хатида таъкидлаган 4 май сонидан "Сизни ҳурматли раҳбар дейишга тил оғиз" сарлавҳали рўйхатни "Тошкент ҳақиқати" мухбири ёки чет муаллиф тайёрламаган, балки "Тошкент электр тармоқлари" ОАЖ ҳамда "Тошкентгазтаъминот" УК қандай тақдим этган бўлса, шундай эълон

қилинган. Яъни, ушбу ташкилотлар вилоят ҳокимлигининг қонуний талабига мувофиқ туман ва шаҳар электр ҳамда газ тармоқларида қарздор раҳбарлар рўйхатини талаб қилиб олиб, тахририятга тақдим этган. Шундай экан, Бўстонлик туман электр ва газ таъминоти идоралари ўзлари тақдим этган рўйхатга ўзлари эътироз билдиришаётгани жўн қилиб айтганда мантисизликдир.

Хулоса шуки, шаҳар ва туман ҳокимликлари газетанинг танқидий қишқарида хато ва нуқсон излаш ўрнига, кўрсатилган камчиликларни бартар раф этиш чораларини кўрсалар, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Зеро, тахририятнинг вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан қарздор раҳбарлар рўйхатини эълон қилишдан мақсади ҳолис бўлиб, жойларда фойдаланилган электр энергияси ва газ ҳақи, умуман, коммунал тўловлари масаласида тўла ва барқарор тартиб ўрнатилишига кўмаклашидир.

Ўзбекистон мустақиллигининг 22 йиллигига

Илгори хабар қилганимиздек, "Биз буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остида ўтказилган уч кунлик ёшлар фестивалида вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан юзлаб ўғил-қизлар иштирок этишди. Фестиваль Олмалик шаҳридаги "Металлург"

ўйингоҳида катта гала-концерт тадбири билан якунланди. Ушбу тантанали тадбирда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари, таниқли спортчилар, болалар ижодий жамоалари ҳамда ўзбек эстрадаси юлдузлари меҳмон бўлишди.



киритмокда. Эркин ва демократик давлат барпо этишдек муҳим вазифани айнан ёшлар давом эттирадидилар. Зеро, улар бугунги кунимизнинг яратувчан кучидир. Келажак – уларники!

Фестивалнинг ёпилиш маросими давомида ёш спортчилар ўйингоҳининг яшил майдонида футбол, бадий гимнастика, теннис, бокс, Шарқ яққа курашлари ҳамда велоспорт бўйича ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Режиссёрлар гала-концерт тадбири аjoyиб шуоуга айлангани ҳамда узоқ вақт иштирокчилар хотирасида сақланиб қолиши учун бугун ижодий имкониятларини ишга солишди.

– Фестивалдан олам-олам таассуротлар олдим, – дейди Олмалик конметаллургия коллежи ўқув-

МАМЛАКАТ КЕЛАЖАГИ ВА ЁШЛАР

Вилоят ҳокими Аҳмаджон Усмонов Фестивалнинг ёпилиш маросимида сўзга чиқди.

– Ёшлар мамлакатимизнинг бугунги ва эртанги салоҳиятини белгиловчи катта кучдир, – деди

ҳоким. – Зеро, Ўзбекистон мустақилликка эришган кунлариданоқ, ёш авлоднинг юксак фуқаролик масъулияти ва ватанпарварлик руҳида, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялашга кат-

та эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Бугунги кунда ёшларимизнинг ўз салоҳиятларини ҳар томонлама намойиш этишлари учун ҳамма йўللар очилди, чуқур билим ва зарур касб эгаси бўлишлари учун барча шaroитлар мўъайё этилган.

Вилоят шаҳар ва туманларида, ҳатто, энг чекка қишлоқларда ҳам замонавий спорт иншоотлари ҳамда маданият марказлари объекти қурилиб, фойдаланишга топширилган.

Уларда турли секция ва тўғрақлар, ижодий студиялар тинимсиз ишлаб турибди. Шуниси қувонарликки, бундай эътибор ва ғамхўрлик шарофати ёшларимизнинг ижодий ёшлари энг йирик республика ва халқроқ мусобақаларда, нуфузли ижодий танловларда совринли ўринларни кўлга



Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси ҚАРОРИ

Бўшаб қолган ўринларга халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисида

Вилоят сайлов комиссиясига Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Тошкент вилояти кенгашиларидан бўшаб қолган ўринларга Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар тақдим этилди. Ушбу ҳужжатлар Ўзбе-

кистон Республикасининг "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида" ги Қонуни талабларига мувофиқлиги вилоят сайлов комиссияси томонидан ўрганиб чиқилди. "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 20, 21, 24, 44-моддаларига мувофиқ вилоят сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Бўшаб қолган ўринларга Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутатлигига кўрсатилган қуйидаги номзодлар рўйхатга олинсин:

Table with 5 columns: Nomzodning F.I.S, Tugilgan yili, Egallab turgan lavozimi, Yashash manzili, Nomzod etib kўrsatgan tashkilot. Rows include Jabborova, Jurayev, Odilov, Raxmonova, Abdubasikov, Axmedov, Kuchiev, Shaxarxmedov.

Вилоят сайлов комиссияси раиси Тошкент шаҳри, 2013 йил 1 июнь.

У. АБДУШОҲИДОВ.

Ҳуқуқий дарсхона

Мамлакатимизда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашда фуқаролик жамияти институтлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари муҳим аҳамият касб этмокда. Жамоатчилик назоратининг демократик ҳуқуқий давлат қуриш ҳамда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти билан бо-

лиқ масалалар Президентимиз И. Каримовнинг кўплаб асарлари ва маърузаларида ўз ифодасини топган. Ўртбошимиз таъкидлаганларидек, "Ўзини ўзи бошқаришнинг халқимизга хос ноёб узору бўлган маҳалла жамоатчилик назоратини ташкил этишда ҳам шундай салоҳият ва имкониятларга эгаки, биз улардан ҳали-бери тўлиқ фойдалана олганимиз йўқ. Бинобарин, бу борада ҳам кўп ишлашимиз керак".

ри ишини такомиллаштириш, комиссия раислари ва аъзоларининг ҳар қарақда ҳисоботларини тинглаш. Жамоатчилик назоратининг мақсади: қабул қилинган қонунлар ва қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш; ҳокимият қарорлари, давлат дастурлари ва маҳаллий ижтимоий-иқтисодий дастурлар ижросини таъминлаш.

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига жамоатчилик назоратини амалга оширишда кўмаклашиши ва қонун ҳужжатларига мувофиқ уларнинг мурожаатлари юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар қўриши шарт. Республика Президенти таъкидлаганидек, соғлиқни сақлаш, атиф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолини, айниқса,

ги бошқичи бўлди. Қонуннинг 16-моддасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоатчилик назоратига оид вазифалари янада кенгайтирилди. 17-моддасида аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашда фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларини хусусий тадбиркорлик, шу жумладан, оилавий бизнес

лари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб боришга оид вазифаларини янада кучайтириши аҳамиятга моликдир. Вазирлар Маъжамаси тасдиқлаган "2013 йилда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг самардорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Дастурнинг 37-банди ижросини таъминлаш, шунингдек фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолларининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий билимларини янада мустаҳкамлаш, бошқарувчилик маҳоратларини ошириш мақсадида туман ва шаҳар фуқаролар йиғинлари раислари, масулу котиблар, диний матрифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ва "Маҳалла посбони" жамоатчилик тузилмаси раҳбарларининг малакасини ошириш учун ташкил этиладиган ўқув-семинарларнинг дастури ишлаб чиқилди ва 13-15 май кунлари барча туман ва шаҳарларда гуруҳларга бўлиниб, семинарлар ўтказилди. Семинарда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш ҳодимларидан 4 мингга яқин иштирокчи малака оширди.

Жамила МАМАТҚУЛОВА, Бекобод туманидаги "Фанишер" фермер хўжалиги раҳбари.

МАҲАЛЛАНИНГ ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ОЛИБ БОРИШГА ОИД ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ

нинг ютуқларини эътироф этиб, камчиликларини рўй-рост очиб ташлашини керак". Бугунги кунда фуқаролик жамияти институтлари жамоатчилик назорати орқали фуқароларнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг қайфиятини, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланмокда. Жамоатчилик назорати деганда, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти тўғрисида уларнинг қонунга риоя қилишларини, ўз мажбуриятларини лозим даражада бажаришларини кузатиш ва назорат қилиш мақсадида фуқаро-

лар, фуқаролик жамияти институтлари – оммавий ахборот воситалари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, касаба уюмлари, Адвокатлар палатаси, Савдо-саноат палатаси, Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш федерацияси, жамоат ташкилотлари, турли ННТлар амалга оширадиган комплекс чора-тадбирлар тушунилади. Жамоатчилик назоратининг асосий вазифалари: фуқароларнинг ҳуқуқи ва эркинликларини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, мансабдор шахслар фаолиятининг қонунийлигини таъминлаш; жамиятнинг турли қатламлари манфатларини ҳимоя қилиш; фуқаролар йиғини комиссияла-

ёшларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий аҳамиятга молик бошқа масалаларга оид муҳим давлат дастурларини амалга оширишда ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокининг ҳуқуқий асосини яратадиган қонун ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва мавжудларини такомиллаштириш давр талабидир. Шу ўринда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни шу йил 22 апрелда қабул қилинган бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг навбатда-

ва хунармандчилик марказлари айлантириш, ўзини ўзи бошқариш ишлари бўйича мувофиқлаштириш кенгашларини шакллантириш тартиби ва уларни тузишга кафолатли органлар аниқлаштирилди. Қонунга киритилган ушбу янги нормалар "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" да белгилаб берилган устувор вазифалар, яъни аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, маҳалла хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқарув орган-

эгаллади. У ҳозир шаҳардаги "Тадбиркор аёллар" уюшмасига раислик қилмокда. Шохиста бошлиқ "Шаҳлия" тикув цехида коллежни тамомлаган ўнлаб ёшлар тикувчилик, тўқувчилик, зардўзлик, каштачилик ва қуроқчилик бўйича республика миқёсида ўтказиладиган кўплаб танловларда юқори баҳолаган, хорижий меҳмонлар эътирофига сазовор бўлган. Бир қатор сертификат, диплом ва фахрий ёрликлар Шохиста Маддиорованинг хунармандчилиги соҳасидаги маҳоратини тасдиқлаб турибди. – Нуроний момоларимиз тиккан қуроқ намуналарини ҳамон хонадонларимиз тўртини беэзаб туради, – дейди Шохиста. – Таассуфки, уларнинг набиралари бугун деярли қуроқ тикишмайди. Бу аҳънани тиклаш бизнинг зиммамизда. Қуроқчилик меҳнати оғир, аммо кўнгли нафосатга яқин кишига завқ бағишлайдиган ушбу машғулот мени доим руҳлантиради. Шогирдларим орасида қуроқчи қизлар кўп. Улар момолари йўлидан бориб, гўзал чизгиларни оддий матоларда акс эттириб, харидорларимиз ишончини қозонишмокда. Бугунги кунда қизларига сарпо қилиш учун оналар Хитойнинг тайёр ёстиқ жилдларини харид қилишмокда. Тўғри, уларнинг нархлари чакки бўлмасда, кўрки ўзгача. Аммо миллий қуроқчилик санъати "тилга кирса", унинг қат-қатларига жойланган қадриятларимиз такомиллашиб бораверади. – Мен бир сандиқ қуроқ

Мастура ШОКИРОВА, Фуқаролик жамияти қишлоқлишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлини маси бош мутахассиси.

Миллий хунармандчилик

ЎЗЛИГИНИ ТОПГАН ЭЛ

Мамнулиги нигоҳидан сезилиб турган 25 ёшли йигит атрофига иштиёқманд ёшларни тўлаб, биланларини ўргатишни истаиди. Негаки, хунарли киши ҳеч қачон хор бўлмайди.

"Аттендорф" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ўткирбек Раҳматуллаев ҳам хунарманд ёшлардан. Корхонада тайёрланаётган рўй-рўзгор ва идора меъбелъ жиҳозлари ички бозорда аллақачон харидорғир бўлиб улгурган. Бу ерда Ўткирбекнинг ўндан зиёд маҳалладош укалари "Устоз-шоғирд" аҳънаси асосида хунар ўрганишяпти, ҳам даромад топишяпти. Улар тайёрлаётган йигирма турга яқин мебеллар, айниқса, хорижийкидан қолишмайдиган ошхона, меҳмонхона, ётоқхона тўлмалари, шунингдек, кичкинтойларга мўъжалланган буюмларнинг бозорини чакқон.

Хозир корхона ташқи савдо компанияларининг тақлифлари устида иш олиб борапти. Мақсад – яқин орада "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиги остида хорижа маҳсулот экспорт қилиш.

Хам тадбиркор, хам хунарманд Шохиста Маддиорова беш йилдирки, шаҳардаги "Хунарманд" уюшмаси аъзоси. У эришган ютуқлари, шогирдлари билан бирига яратган гўзал каштачилик, зардўзлик ва қуроқчилик намуналарини орқали танилди. "Ташаббус – 2010" кўрик-танлови голиби бўлди, 2010-2011 йилларда "Энг яхши тадбиркор" дея эътироф этилди. "Қўли гулдир ўзбек аёлини" республика танловида совринли ўринларни

Эркин ва демократик давлат барпо этишдек муҳим вазифани айнан ёшлар давом эттирадидилар. Зеро, улар бугунги кунимизнинг яратувчан кучидир. Келажак – уларники!

Фестивалнинг ёпилиш маросими давомида ёш спортчилар ўйингоҳининг яшил майдонида футбол, бадий гимнастика, теннис, бокс, Шарқ яққа курашлари ҳамда велоспорт бўйича ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Режиссёрлар гала-концерт тадбири аjoyиб шуоуга айлангани ҳамда узоқ вақт иштирокчилар хотирасида сақланиб қолиши учун бугун ижодий имкониятларини ишга солишди.

– Фестивалдан олам-олам таассуротлар олдим, – дейди Олмалик конметаллургия коллежи ўқув-

чи Мадина Аширова. – Биз фестивал давомида "Президент асарлари билмидони", "Депутатлар ва ёшлар", "Замонамиз қахрамонлари", "Биз соғлом турмуш тарафдоримиз" каби турли тадбирлар, танловлар ва викториналарда завқ билан иштирок этдик. Айниқса, ёзувчи ва шоирлар, санъат арбоблари ҳамда машхур спортчилар билан учрашувлар, давра суҳбатлари хам мароқли, хам фойдали бўлди.

Ўйингоҳга ташриф буюрган томошабинлар ўзбек эстрадаси юлдузларининг аjoyиб куй-қўшиқларини тинглаб, баҳра олдилар. Фестиваль "Металлург" ўйингоҳи осмонини беэзаган мушакбозлик билан якунланди.

Ўз мухбиримиз. Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

Давоми. Боши 1-бетда.

Дала маданияти

ОБОДЛИК ОСТОНАДАН БОШЛАНАДИ

Обод турмуш йилида нафақат ҳовли-жойимиз, яшаётган кўчамиз, маҳалламиз, балки далаларимиз ҳудудини хам обод қилишимиз лозимлигини даврининг ўзи талаб этмокда. Экин майдонлари четлари тартибли бўлиб, дала маданияти кўзга яққол ташланиб турса, дил яйрайди, албатта.

Ободлик остонадан бошланади, дейди халқимиз. Фермер хўжалигининг остонаси бўлиши унга олиб борадиган йўл, майдон четлари ва ариқ бўйларини илгарилари қалин ўт босиб ётарди. Саратонга бориб ўтлар қовжирла, жуда хунук кўринар эди. Бу йил дала маданиятига жиддий эътибор қаратилди, йўл четлари, ариқ бўйлари ўт-ўланлардан тозаланиб, минг тупга яқин терак қўшталари ва гуллар ўтказилди. Ҳозирги кунда тераклар ям-яшил бўлиб, чамандек очилган гуллар кўзларни қувонтирмокда.

Ўзимизга яраша шинам дала шийпонимиз бор. Унинг атрофидаги 7,5 сотих майдонга мевали дарахт экиб, боғ барпо этганимиз. Хўжалигимиз ҳудудида 1,3 гектар ташландик қўл бўлиб, ёзда хидига чидаб бўлмас эди. Уни тозалаб, сув қириб-чиқиб кетадиган қилиб, балиқ ча-

вақлари ташладик. Ҳозир бу ерда уч хил балиқ боқаяпмиз. 30 гектар майдондаги гаалламиз бўлиқ бошоқлаб, пишиб этилиш арафасида. 28 гектардаги гўза бегона ўтдан тозаланди, яганаланди ва 2 марта култивация қилинди. Энг муҳими, 58 гектар майдоннинг бирор қаричи бўш қолдирилмаган.

Яхши биламизки, дала уявлари айрим жойларда моллар учун яялов ҳисобланади. Биз шу ерлардан хам фойдаланишга қарор қилдик. Пахта майдонлари четларига ошқовоқ эдик. Бу, аввало, дала уявларини ўт босишдан сақлайди, иккинчидан, кузга бориб, хўжалик аъзолари аҳтиёжларига ярайдиган ҳосил беради.

Жамила МАМАТҚУЛОВА, Бекобод туманидаги "Фанишер" фермер хўжалиги раҳбари.

Тошкент воҳаси: афсона ва ҳақиқат

Бир йил аввал Юқори Чирчиқ туманидаги ноёб архитектура ёдгорлиги – Ботиртепа, яқинда эса шу тумандаги Қирқбўрон шаҳарчаси ҳақида ҳикоя қилган эдик. Бугун яна Юқори Чирчиқ ҳудудига қайтамиз. Негаки, бу мавзунинг давоми бор. Энди Пистали бобо муқаддас қадимжоси ҳақида сўз юритамиз.



лиқ Гиждувонийнинг маслакдоши Хожа Аҳмад Ясавий асос солган яссавия тариқати вакиллари бўлиши устоз-сўфийлар кенг тарқалган жойлар вужудга келди. Занги ота, Шоабдумалик ота, Увак ота, Бузурк бува, Бува ота, Пистали бобо ҳам шу тариқат вакиллари. Маънавий ва ахлоқий софлик, инсонпарварлик, меҳр-шафқат, камтарлик, зоҳидлик, меҳнатсеварлик ушбу буюк устозларнинг асосий маслаги ва оғишмай

бино кўп йиллар инсон қўли тегмай турди. 2005 йилга келиб у қайта тикланди. Ривоят қилинишича, мақбара тубида чиллахона сақланиб қолган. Агар атроф-ҳудуд диққат билан аниқлашса, ер ости лаҳлари изларини кўриш мумкин. Хозир бу ер – қабристон. Қадимий ривоятда келтирилишича, писта каерга тушган бўлса, Пистали бобо ўша ерга келган ва ўрнашиб қолган. Пистали бобо исми берилганининг боиси ҳам шу.

Бу ерда Пистали бобо устоз ва авлиё мақомида яшади. Одамларнинг қалб яраларини даволади, ғам-андуҳларини енгилаштиради. У дуо қилган хасталар ҳаётга сопа-соғ қайтди.

Ва яна бир гап. Пистали бобо чор-атрофдаги қишлоқларни ўз қафтида ушлаб туради гўе. Токи бу ерлардаги аҳоли худди пистазор дарахтлари каби гавжум ва аҳил-иноқликда яшашсин, доимо хушчақчақ юришсин. Бу масканда бўлганингизда, қалбингиз нурга тўлишини боиси шунда. Пистали бобо қолдирган ҳар бир тош ҳам юракларга ийлик бахш этади. Бу ерлик одамларнинг устоз ва авлиё Пистали бобони унутмаганлари, хотирасини доимо ёдга олишлари янада қувончлидир.

Улар Пистали бобо мақбарасининг қумушранг гумбази биланга олиб борди. Учинчисида Пистали бобонинг ўзи мақом топган. Буюк аждодларимизнинг ташрифи билан бу жойларда пистазор вужудга келган. XIII асрда гишдан қурилган кўча мақбара сақланиб қолган. Вўқ таъсирида қорайиб кетган чиройли гумбази

Семинар-тренинг

ҲАМКОРЛИКДАГИ НАЗОРАТ ТАЪСИРИ КУЧАЯДИ

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтга вилоят ҳудудий бўлини маси УэлдидеП вилоят кенгаши билан ҳамкорликда "Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолияти ва уларнинг маҳаллий партия ташкилотлари ва парламент фракциялари билан ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш" мавзусида семинар-тренинг ўтказди.

Кенгашлардаги партия гуруҳлари депутатлик назоратини фуқаролик жамияти институтларининг жамоатчилик назорати билан бирлаштириши мақсада мубофик экани таъкидланди. Семинар-тренингда Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича амалий тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.

ҲАР БИР ФАРЗАНДАГА МЕҲР-ЭЪТИБОР

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Янгиёри истироҳат боғида туман оҳимлиги, "Қамолот" ЕИҲ туман кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Кизил Ярим ой" жамияти билан ҳамкорликда "Ҳар бир фарзандга меҳр-эътибор" лойиҳаси тадбирлари ўтказилди.

Лойиҳа доирасида тумандаги иқтидорли болалар ҳамда мактабга таълим муассасаси тарбияланувчилари байрам дастурларини намойиш этишди. Шунингдек, болалар ўртасида расомчилик, жамоа бўлиб ишлаш, "Ватан болалар кўзи билан" мавзусида асфальт ва қоғозга расм чизиб бўйича танлов ўтказилди. Иштирокчиларга эсдалик совғалар топширилди.

Шахло РАҲИМБЕРДИЕВА.

ПИСТАЛИ БОБО

мотлар йўқ муқаддас қадимжолар кўп. Уларнинг маълумлари ҳақида гапирришяпти, ёзишяпти. Шундайлар ҳам борки, улар ҳақида одамлар ҳеч нарса билишмайдилар. Пистали бобо – шундай жойлардан бири. Бироқ бу ҳол унинг қадриятини заррача бўлсин пайсатирмайди.

Таърифиға тил оғиз бу гоёт гўзал жой доимо тинч, сокин. Пистали бобо чанга бурилса Номдак қишлоғига, тўрига юрди, кенг ва хушманзара Парлисойи ҳамда Красногорск шаҳрига олиб борувчи йўлнинг шундоққина бўлида жойлашган. Жамбул қишлоғи аҳолиси бу жойни жуда хуш кўради ва ардоқлайди. Аслида ушбу маскан бундай муносабатга жуда эрийди. 35 йил давомида машаққатлар билан тўпланган ва

амал қилишган қойдаларидир. Уларнинг ҳар бирига қаерда макон тутиш ва одамлар ўртасида билим зиёсини тарқатиш зарурлиги хусусида алоҳида йўл-йўриқлар кўрсатилган. Занги отага Тошкент шаҳри яқинида, Шоабдумалик отага Охангарон, Бузурк бувага Пискент, Увак отага Ангрэн, Пистали бобого учта йўл тутаган жойда бўлиш ёқурилади. Бу учта йўлнинг бири Ўртасарой орқали Шоабдумалик отага, иккинчиси Номдак орқали Бобомочинга олиб боради. Учинчисида Пистали бобонинг ўзи мақом топган.

Буюк аждодларимизнинг ташрифи билан бу жойларда пистазор вужудга келган. XIII асрда гишдан қурилган кўча мақбара сақланиб қолган. Вўқ таъсирида қорайиб кетган чиройли гумбази

XII ва XIII асрларда бутун Тошкент воҳаси худди бўйлаб Юсуф Хамадонийнинг шогирди, Абдуҳо-

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошлангич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ қамонда савдога тақлиф этади! Савдога қўйиладиган автотранспорт воситалари кўйилмоқда: 1. Мирзо Улугбек тумани СИБ томонидан 11.03.2013 й. № 14249/12-сонли ижро ҳужжати асосан 2000 й. и.ч. "ТБ Газ-2705" СПТ, д.р. 01 Р 046 НА. Бошлангич баҳоси – 31 878 010 сўм. 2. Мирзо Улугбек тумани СИБ томонидан 15.08.2011 й. № 25578-85/22/25-сонли ижро ҳужжати асосан 1999 й. и.ч. "Вольво", д.р. 17 V 6746. Бошлангич баҳоси – 37 793 992,5 сўм. 3. Мирзо Улугбек тумани СИБ томонидан 15.08.2011 й. № 25578-85/22/25-сонли ижро ҳужжати асосан 1995 й. и.ч. "СК-24", д.р. 19 А 351. Бошлангич баҳоси – 29 858 424 сўм. 4. Мирзо Улугбек тумани СИБ томонидан 15.08.2011 й. № 25578-85/22/25-сонли ижро ҳужжати асосан 1999 й. и.ч. "Мат", д.р. 16 М 6959. Бошлангич баҳоси – 51 537 262,5 сўм. Кимонди савдоси 2013 йил 20 июнь кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. 5. Юнусобод тумани СИБ томонидан 11.03.2011 й. № 3929/10-сонли ижро ҳужжати асосан 2008 й. и.ч. "Лада-21703-114-01", д.р. 01 416 САА. Бошлангич баҳоси – 19 073 000 сўм. Кимонди савдоси 2013 йил 5 июль кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйиладиган автотранспорт воситалари билан СИБ вакили иштирокда бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Кимонди савдоларида иштирок этиш учун талабдорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларини қабул қилиш кимонди савдоси кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Кимонди савдоларида қатнашни учун талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузилганда закладат келишувга асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закладат нулини "SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИНИНГ АТИБ "Ипотек банк" Шайхонтоҳур филиалидаги қўйиладиган ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800004887305001, МФО 00425, ИНН 301829604. Кимонди савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Тел.: (+99893) 577-22-12. Гувоҳнома № 004593.

"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдога тақлиф этади! 1. Савдога қўйиладиган кўчмас мулклар кўйилмоқда: 1. Учтепа тумани СИБ томонидан 17.09.2012 й. № 1-423/39/12-сонли ижро ҳужжати асосан Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, 9-берк Чоптепа кўчасида жойлашган кўчмас мулк. Бошлангич баҳоси – 619 749 900 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 20 июнь кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. 2. Учтепа тумани СИБ томонидан 21.04.2011 й. ижро ҳужжати асосан Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 12-мавзе, 33-уй, 9-хонадон. Бошлангич баҳоси – 67 576 079 сўм. 3. Мирзо Улугбек тумани СИБ томонидан 28.10.2010 й. № 26505/2-сонли ижро ҳужжати асосан Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 115-Б уй. Бошлангич баҳоси – 66 700 000 сўм. 4. Юнусобод тумани СИБ томонидан 05.03.2012 й. № 7082/23-сонли ижро ҳужжати асосан Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, А. Қодиров ва Х. Саматова кўчалари ўртасида жойлашган кўч қаватли уйнинг 5-қаватида жойлашган 29-хонадон. Бошлангич баҳоси – 178 792 758 сўм. 5. Юнусобод тумани СИБ томонидан 15.04.2013 й. № 6874/22-сонли ижро ҳужжати асосан Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Марказ 2-мавзе, 24-уй, 66-хонадон. Бошлангич баҳоси – 80 974 800 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 5 июль кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйиладиган кўчмас мулклар билан СИБ вакили иштирокда бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабдорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларини қабул қилиш аукцион савдоси кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашни истагиди талабдорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закладат нулини "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖНИНГ АТИБ "Ипотек банк" Шайхонтоҳур филиалидаги қўйиладиган ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304936050001, МФО 00425, ИНН 207125885. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Тел.: (+99893) 577-22-12. Лисензия: RR-0052.

"AGRO SANOAT MULK MARKAZI" МЧЖ очиқ аукцион савдога тақлиф этади! 2013 йил 9 июль кунини соат 11:00 да, Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уйда, бошлангич нархи босқичма-босқич охиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдога тақлиф қўйиладиган мол-мулклар кўйилган: 1. Юнусобод тумани СИБ томонидан 2010 йил 18 августдаги 17032/10-сонли ижро варақаси асосан хатланган, Тошкент ш., Чилонзор тум., Проксентия кўч., 10-уйдаги базалда сақланаётган: 1. 1987 йилда и/ч., дав. бел. 10 "SARCO" МЧЖ ҳисобида сақланаётган: 1. "Тоёта 7FB15FV 3000" русумли юк кўтаргич. Бошлангич нархи – 10 351 000 сўм. 9. "Тоёта 7FB15FV 3000" русумли юк кўтаргич. Бошлангич нархи – 9 824 000 сўм. IV. Чилонзор тумани СИБ томонидан: 1. 2013 йил 23 январдаги 1-313/2012-сонли ижро варақаси асосан хатланган, Тошкент ш., Юнусобод тум., 8-сонли жарима майдончасида сақланаётган, 2008 йилда и/ч., дав. бел. 01 У 787 НА бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси, Бошлангич нархи – 27 200 000 сўм. 2. 2010 йил 30 сентябрдаги 10-1001/16285-сонли ижро варақаси асосан хатланган, Чилонзор тум., 1-мавзе, 11-А уйда сақланаётган, 2007 йилда и/ч., дав. бел. М8473 бўлган "Автомобиль ПА3-32054" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи – 27 447 569 сўм. V. Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан қўйиладиган мол-мулклар савдога қўйилган:

"MALAKALI RIELTOR SERVIS" МЧЖ бошлангич баҳоси 750 000 000,0 сўм бўлган Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Уртаговул Қ.Ф.Й., А. Темур кўчаси, 102-уйда жойлашган, умумий таълик майдони 67,48 кв.м., фойдала хизмат майдони 2179,07 кв.м. бўлган 3 қаватли "Маммурий бино ертўласи билан ва соябон" сотувга қўйилгани эълон қилади! Ушбу кўчмас мулк объектига қизиқингиз билдирган сармоядорлар қўйиладиган манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, А. Темур шоҳқўчаси, 19-уй, "Новый век" газетаси таҳририяти биноси, 2-қават, 18-хона. Тел.: 144-21-24, 167-07-06, 360-87-70. Электрон манзил: mrs\_rieltor@mail.ru

ООО "PREMIER RETAIL" (ИНН 3025800006), Яккасарайского району, г. Ташкента объявляет об уменьшении уставного фонда с 34 500 000 сум до 20 000 000 сум (решения учредителя общества № 3 от 03.06.2013г.). Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления по адресу: г.Ташкент, Яккасарайский район, ул. Ш. Руставели 48/39. Тел.: 280-55-07.

Аввал Ҳамза тумани ТСРҮИ томонидан 2011 йил 12 августдаги 003484-07-сонли реестр рақами билан қайта рўйхатга олинган "BARLAS SIFATLI QURILISH" МЧЖнинг устав жамғармаси 16 000 000 (ўн олти миллион) сўмдан 9 200 000 (тўққиз миллион икки юз минг) сўмга камайишини маълум қилади.

• Янги уйлар Сиз учун узоқ муддатли сармоя ва фарзандлар учун мерос. • Кимонди савдоларида иштирок этиш учун талабдорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). • Янги уйда оилангиз билан бирга фаровон ҳаёт кечиринг. • Оилангиз учун ёрқин КЕЛАЖАК ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ! • Иштироғи ипотека кредити орқали тежаб қилинган маблағингиз оилавий режаслар ва орзуларини амалга ошириш учун сарфланади; • Янги уйлар янада жишроқ турмуш тарзи ҳамда оилавий тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратди.

Замонавий қурилиш моллари ва ЮКОРИ СИФАТЛИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ! • Танловдан ўтган пудратчи қурувчилар ва қурилиш сифатини исбот қилган; • Бир йиллик сифат кафолати; • Узғармас нархларда юқори сифатли замонавий қурилиш моллари. • Туман ёки вилоят ҳокимликларига; • Қишлоқ ёки маҳалла фуқаролар йиғинларига; • "Қамолот" ЕИҲ бўлимларига; • Хотин-қизлар қўшма ташкилотига; • Қишлоқ қурилиш банк филиалларига, минни банкларига; • Қишлоқ қурилиш инвестиция филиалларига. 100060, Тошкент шаҳар, Шаҳрчаси, 36 Тел.: (+998 71) 150-93-39 Факс: (+998 71) 150-39-93 www.gqb.uz e-mail: headoffice@gqb.uz

2013 йил 18 июль кунини соат 11:00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдога тақлиф қўйиладиган мулклар тақрибан қўйилмоқда: 1. Миробод тумани СИБ томонидан 2012 йил 16 апрелдаги 13368/5-сонли ижро варақаси асосан хатланган, "Файзобод" ТИФ божхона масканида сақланаётган: 1. 1990 йилда и/ч., дав. бел. 10 987 FAA бўлган "ГАЗ-53" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи – 10 509 189 сўм. 2. 1991 йилда и/ч., дав. бел. 40 Д 492 DA бўлган "Ваз 2121" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи – 9 917 775 сўм. 3. 2007 йилда и/ч., дав. бел. 01 Q 585 СА бўлган "SHANASC-6382" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи – 13 164 688 сўм. 4. 2012 йил 1 августдаги 27276/6-сонли ижро варақаси асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот Марказида сақланаётган, 1992 йилда и/ч., дав. бел. 01 Е 716 GA бўлган "Ваз-968" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи – 175 515 сўм. 5. 2012 йил 29 августдаги 31606/6-сонли ижро варақаси асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот Марказида сақланаётган, 2006 йилда и/ч., дав. бел. 01 Q 491 GA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи – 14 414 054 сўм. 6. 2012 йил 9 июлдаги 24499/6-сонли ижро варақаси асосан хатланган, "Numizmatika" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 1992 йилда и/ч., дав. бел. X 138 FRM бўлган "Вольво 460" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи – 13 672 081 сўм. 7. 2012 йил 8 октябрдаги 34263/10-сонли ижро варақаси асосан хатланган, "Numizmatika" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2009 йилда и/ч., дав. бел. 01 В 321 ВА бўлган "Ласети" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи – 37 548 000 сўм. 8. 2012 йил 1 августдаги 14744/6-сонли ижро варақаси асосан хатланган, "Numizmatika" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2001 йилда и/ч., дав. бел. X 195 BCN бўлган "Тайота Комри" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи – 24 969 943 сўм. 9. 2012 йил 9 июлдаги 24506/6-сонли ижро варақаси асосан хатланган, "Numizmatika" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 1974 йилда и/ч., дав. бел. 30 X 7883 бўлган "Ваз 2101" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи – 1 861 888 сўм. 10. 2012 йил 9 июлдаги 24508/6-сонли ижро варақаси асосан хатланган, "Numizmatika" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2010 йилда и/ч., дав. бел. 01 А 011 GA бўлган "Эника" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи – 50 400 000 сўм. II. Чилонзор тумани СИБ томонидан 2013 йил 25 январдаги 10-1204/15376-сонли ижро варақаси асосан хатланган, Чилонзор тум., Шарқ тоғи кўч., 1-А уйда сақланаётган 2010 йилда и/ч., дав. бел. 01 770 НВА бўлган "Капитва" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи – 54 896 700 сўм. Ушбу аукцион савдоларида қатнашни учун талабдорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закладат нулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "Агро sanoat mulk markazi" МЧЖНИНГ ОАТБ "Капитвабанк" Мирзо Улугбек филиалидаги қўйиладиган ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР 302159464. Савдога қўйиладиган мулклар билан талабдорлар тегишли суд ижрочилири бўлимининг вакиллари иштирокда бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашни учун талабдорлардан аризалар эълон чиққан кундан бошлаб ҳар кунини (дан олдин ва байрам кунларидан ташқари) қабул қилинади ва савдо бошланганига бир иш кун қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уй. Тел.: 250-83-29. Гувоҳнома: 006388.

Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани ТСРҮИ томонидан рўйхатга олинган "LD TIB MAHSULOT SANOAT" МЧЖ (ИНН 302106514) Тошкент вилояти, Зангиота тумани ТСРҮИ томонидан рўйхатга олинган "LD-TIB-MAHSULOT" МЧЖ (ИНН 302483933) таркибига тўлиқ бирлаштирилиши ҳамда "LD-TIB-MAHSULOT" МЧЖ "LD TIB MAHSULOT SANOAT" МЧЖнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига олган ҳолда, унинг тўлиқ ҳуқуқий ворисига айланишини маълум қилади. Тел.: (+99871) 150-85-86.

Утеранныю шаходатному № 985437, выданный в 2009г. школой № 23 Букинского района Ташкентской области о 9-классном образовании на имя Отамова Нодира Фулом угли, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

АТИБ "Ипотек банк" меҳнат филиали томонидан берилган Ф-430 1 дона 814543 рақамли квитанция Шайхонтоҳур ТЭТ назоратчиси Тохиров Рустам Эркин угли томонидан йўқотилганига сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ. ЧПФ "МАХМУР" (ИНН 200639947), зарегистрированное ИПСП Сергелийского района за реестровым № 06-000016, расположенное по адресу: ул. Сугдиёева 1, почтовый адрес: Сергели-3, остановочный комплекс, преобразуется в ООО "МАХМУР". Претензии принимаются по телефону: 301-20-20.

Об-ҳаво Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 5 июнь куни Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёқиб, момақалдирок бўлиши мумкин. Фарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 17-22, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади. Тоғли ҳудудларда ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёқиб, момақалдирок бўлиши мумкин. Фарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 10-15, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

